

## СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛДИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ

*И.Махкамов, Т.Махмудов (НамМТИ)*

Дунёда рўй бераётган ва тез-тез такрорланаётган қурғоқчилик туфайли юзага келаётган сув ресурсларининг тақчиллиги тобора сезилиб бормоқда. Шунингдек, суғориш учун ер ости сувларининг тугаб бораётгани, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш ҳамда озиқ-овқат нархининг ошиши билан боғлиқ муаммолар кучайиб бормоқда. Барча давлатларда бўлгани каби бир шароитда, мамлакатимизда ҳам ер ва сув ресурсларига оид имкониятлар чекланганлиги туфайли мавжуд ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида суғориш тизимига замонавий технологияларни жорий этиш энг долзарб масалалардан бирига айланмоқда.

Шунингдек, Республика дехқончилиги суғоришга асосланган бўлганлиги учун сув ҳам ер каби энг зарур восита ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигидан олинаётган маҳсулотлар, жумладан, масалан пахта, шоли, сабзавот, маккажўхори, буғдой, арпа, ем-хашакларнинг кўпчилиги қисми суғориладиган ерда етиштирилади ва етиштириладиган ялпи маҳсулотларнинг 95 фоизга яқини суғориладиган ердан олинади. Шунинг учун сувдан қанчалик оқилон ва самарали фойдаланилса, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми шунча кўпаяди ҳамда юзага келадиган иқтисодий-экологик муаммоларнинг олдини олишга эришилади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уни кўпайтириш экин майдонларини кенгайтириш ҳисобигагина эмас, балки жаҳоннинг илғор тажрибалари, замонавий ва интенсив агротехнологияларидан самарали фойдаланиш ва истикболли навлар яратилиб амалиётга жорий этилаётганлигидир. Чунки аҳолини ўсиб бориши, янги sanoat корхоналарини қурилиши, хизмат кўрсатиш иншоотларини барпо этиш, ерлардан янада самарали фойдаланишни тақозо этмоқда.

Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва диверсификациялаш бўйича амалга ошириладиган дастурий чора-тадбирлар доирасида юз бераётган таркибий ўзгаришлар туфайли мева-сабзавот, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик каби тармоқлар тобора ривожланиб бормоқда. 2016 йилда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажми 6,6 фоиз, мева-сабзавотлар 11,2 фоиз, картошка 9,7 фоиз, сабзавот маҳсулотларини етиштириш 10,4 фоиз ўсиши таъминланди.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёев Миромоновичнинг мамлакатимизни “2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари”га бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 2017 йил 16 январь.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, мамлакатимизда боғдорчиликни, сабзавотчилик, полизчилик ҳамда узумчилик тармоқлари равнақига жиддий эътибор қаратиляпти. Шу мақсадда янги боғ роғлар барпо этилиб, қишлоқ хўжалиги экинлари майдонлари тобора кенгайтирилиб борилмоқда.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожлантиришда ҳал этилиши лозим бўлган бир қатор муаммолар ҳам бор. Энг асосий муаммолардан бири сув таъминотидир. Мамлакатимизнинг салмоқли қисми қир ва адирликлардан, тоғ олди майдонларидан иборат бўлиб, бу ҳудудларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш қийин масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимиздаги сув тақчиллиги шароитида суғоришнинг замонавий усулларини қўллаш орқалигина қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини барқарор ошириб бориш, истеъмолчи ва қайта ишлаб чиқарувчи корхоналарни маҳсулот ва хом ашёга бўлган эҳтиёжларини талаб даражасида қондиришга эришилади. Шу билан бирга маҳсулот турларини экспорт қилиш имкониятларини беради. Бу ўз навбатида фермер хўжаликларининг иқтисодий салоҳиятини оширади.

Кейинги йилларда Республикаимизнинг бир қатор ҳудудларида экинларни суғоришнинг янги технологиялари синовдан ўтмоқда ва қўллашга тавсия этиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “2013-2017 йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиротив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Давлат дастури”га кўра 2017 йилгача жами 25 минг гектор боғлар, узумзорлар, сабзавот ва полиз майдонларида томчилаб суғоришнинг замонавий усулларидан фойдаланиш белгиланган.

Маҳсулот етиштиришда мазкур ҳудудларда ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда сувни тежаш технологияларини жорий этиш катта аҳамиятга эгадир. Чунки мутахассисларнинг фикрича томчилаб суғоришларни боғ ва токзорларда қўллаш орқали сув сарфини 35-40 фоизга, меҳнат сарфини камайтириб, ҳосилдорликни 1,5-2,0 баробарга оширади.

Наманган вилоят пахта, ғалла, турли хил мева, узум, полиз ва сабзавот экинлари етиштиришга ихтисослашганлиги билан ажралиб туради. Вилояти ер усти тузилишига кўра текислик, адир, адир орти текислиги, тоғ олди этаклари ва тоғ ҳудудларидан иборат. Янги ерларни ўзлаштириш ва суғориб дехқончилик қилиш учун ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб 16 дан ортиқ сув омборлари, селхоналар барпо этилди. Шунингдек, юздан ортиқ насос станциялари катта Наманган ва Чуст каналлари ишга туширилди.

Вилоятнинг асосий сув ресурслари манбаи дарёлар, сойлар, сув омборлари, каналлар ва ер ости сувлари ҳисобланади. Мазкур сув захираларидан саноат корхоналари,

қишлоқ хўжалиги, аҳоли коммунал хизмат кўрсатиш шаҳобчалари кенг фойдаланилади. Шунингдек назардан олганда мамлакатимизда бўлганидек Наманган вилоятида ҳам сув чекланган ноёб ресурслардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ер-сув ресурсларидан фойдаланиш масалаларини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, Наманган вилоятининг турли туманлари сув билан таъминлаши, унинг манбалари, суғориш тизими бир-биридан фарқ қилади. Вилоятнинг Тўрақўрғон, Мингбулоқ ва Поп туманларида сув таъминоти юқорилиги билан ажралиб туради. Бу эса мазкур ҳудудларда ерларни зах босишига, сув эрозиясига ва шўрлашишига сабаб бўлмоқда. Чуст, Янгиқўрғон, Косонсой ва Чортоқ туманларида эса сув таъминотидаги етишмовчиликларини қозониш мумкин. Мазкур туманларнинг ер майдонини салмоқли қисми қир ва адирликлардан иборат бўлиб, бу ҳудудларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш қийин масалалардан бири бўлиб турибди. Шунинг учун экин навларининг ҳар бир ҳудуднинг табиий иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш лозим. Поп, Чуст, Косонсой, Янгиқўрғон ва Чортоқ туманларидаги қир ва адирликларга кам сув талаб қиладиган мевали дарахтлар, хусусан бодом, ёнғоқ, ўрик, хондонписта ва узумзор плантацияларини ташкил этиб, томчилаб суғориш тизимини йўлга қўйиш ўз самарасини беради. Чунки бу маҳсулотлар харидоригар бўлиб, қилинган сарф харажатларни муаян муддатда қоплаши мумкин. Ана шунда мева ва узум маҳсулотларини кўпайтириб ички ва ташқи бозорларга етказиш имкониятини беради. Бу борада муаян ишлар белгиланиб босқичма босқич амалга оширилмоқда.

Маълумки, Янгиқўрғон тумани мева, узум ва сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган. Етиштирилган маҳсулотларининг асосий қисми экспорт қилинади. 2016 йил якунлари билан тузилган шартномаларга асосан 46,4 миллион долларлик мева-сабзавот маҳсулотлари Россия ва Қозғоғистон давлатларига экспорт қилинди.

2017 йилда туманда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ҳамда экспорт салоҳиятини янада ошириш мақсадида фермер хўжаликлари тасарруфидаги 200 гектар эскирган боғларни реконструкция қилиш орқали 200 гектар замонавий интенсив боғлар барпо этиш режалаштирилган.

Шунингдек, туманда озиқ-овқат хавфсизлиги ҳамда бозорларда нарх-навони барқарорлигини таъминлаш мақсадида 5 та лойиҳа ташаббускорлари томонидан сифими 7000 тоннали замонавий музлатгич барпо этиш ҳам белгилаб қўйилган.

Юқоридагиларга асосланиб айтиш мумкинки, мамлакатимизда ва Наманган вилоятида ер-сув ресурслари чекланган бўлиши билан бирга уларга бўлган талаб тобора ўсиб бормоқда. Ер-сув ресурсларидан кенг фойдаланилаётганлиги туфайли иқтисодий-экологик муаммолар доираси ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Мазкур ресурслардан

фойдаланишни тартибга солиш ва юзага келаётган муаммоларни камайтириш учун куйидагиларга этибор бериш мақсадга мувофиқдир:

- замонавий суғориш технологияларини жорий этишда амалдаги қонунлар, Президент қарорлари, давлат ва маҳаллий дастурлар ижросини тўлиқ таъминлаш;

- сувни тежайдиган инновацион лойихаларни ўз вақтида молиялаштириш ва тижорат банкларининг кредит маблағларидан мақсадли фойдаланиши устидан тизимли мониторингни амалга ошириш;

- суғоришда фойдаланилаётган насос станцияларини, энергияни тежайдиган янги техника ва технологиялари билан алмаштириш;

- ривожланган мамлакатларнинг ер-сув ресурсларидан фойдаланиш борасидаги илғор тажрибаларидан фойдаланиш;

- сув танқис бўлган худудларда буғланиш ва филтрацияга барҳам бериш учун экин майдонларига сувни трубалар орқали олиб келиб тарқатиш;

- қумли ва енгил тупроқли ерларда томчилаб суғориш усулини жорий этиш.

Хулоса ўрнида айтиш мумкунки томчилаб суғориш тизимлари лойихавий ечимлари маҳаллий шароитга мослаштирган ҳолда унинг қурилиш ва эксплуатацион харажатларини камайтириш чоралари кўриниши бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланиб қолди. Бу вазифаларни ижобий ҳал этилиши мамлакатимизда энг ноёб ер-сув ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш ва у асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириб саноатни хо-ашёга, аҳолини озиқ овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қоплашга эришилади.